COVID-19 нинг ўртача оғир клиник шакли билан оғирган ўртача бир (18 ёшдан 65 ёшгача) беморнинг касалхонада даволаниш муддати – 14 кунни ташкил этади. Даволаниш жараёнида диагностик текширувлар (ПЗР, ИФА и бошқ., иммунологик текширувлар) кенг қўлланилган. Бундан ташқари, 18 ёшдан 84 ёшгача бўлган (n = 4104) беморларнинг касаллик тарихи таҳлил қилинганда, уларни даволашда қўлланилган дори-дармонлар турлари (спектри) ҳам ўрганилди.

COVID-19 билан касалланишнинг ҳар бир ўртача ҳолатига нисбатан даволаш ва тиббий муолажаларга сарфланган иқтисодий ҳаражатлар қуйидаги жадвалда келтирилган (жадвал 1.).

жадвал 1.

COVID-19 беморини ўртача комплекс даволашда иқтисодий сарф- ҳаражатлар схемаси (касалхонада даволаниш муддати 14 кун).

№	Дори-дармонли даволаш	Ўтказиш давомийлиги	Иқтисодий қиймати (сўмда)
1	Антибиотиклар - Sol. Цефипим 1.0 г	2 марта т/о	35000
2	Замбуруғга қарши – Cap.Fluconazole 150 мг кап х 1 в/в.	Ҳар 3 кунда 1 марта	5000
3	Ангиопротекторлар – Sol Acidum ascorbinicu 5% 10,0	2 марта т/о	4000
4	Яллиғланишга қарши Sol: Dexamethasoni 0.4%-2.0ml 1.0 мл	1 марта т/о	9900
5	Антикоагулянтлар – Tab Rivakxabon 20mg	1 марта	235000
6	Антиагрегантлар – Tad Kardiomagnili 75 мг	1 марта	47000
7	Енгил сувсизланиш учун – Verospironi 50 мг	1 марта	43000
8	Гастропротекторлар – Cap Omeprazoli 20 мг	2 марта	5900
9	Антигестаминлар -Sol.Suprastin 1 ml м/о	1 марта	23800
10	Гепатопротекторлар -Sol.Lesfal 5 ml	т/о	75000
11	Ривароксабан 10 мг – 1табх1раз	№1 ой.	160000
12	Кардиомагнил 75 мг – 1 табх	1 марта - давомий	45000

13	Омега – 3 - 1 капсуле	1 марта - кечкурун № 3 ой.	190000
15	Цинк 100 мг	1 марта № 10 кун.	12500
16	кардиолог, эндокринолог, пульмонолог, участка терапевтининг назорати.		
	кардиолог		62000
	терапевт		66000
	пульмонолог		73000
	эндокринолог		65000
17	Бурун катетер		4000
18	Шприцлар, системалар, пахта, спирт ва бошқ.		43600
	Жами:		1 204 700

Келтирилган маълумотларга кўра, даволашнинг ҳар бир босқичида симптоматик даво воситалари (патогенетик, симптоматик, иммунномодуляторлар), ҳамда кенг спектрдаги антибиотиклар кенг қўлланилган. Шу боис таҳлил давомида ўртача бир касалланиш ҳолатида қўлланиладиган даволаш дори-дармонларининг иқтисодий қиймати ҳисобланди.

Ҳисоб натижаларига кўра, COVID-19 нинг ўртача оғирликдаги клиник шакли билан оғриган беморга юқумли касалхонада 14 кун давомида қўлланилган терапевтик даволаш 2021 йилнинг нарх-наволарига кўра 16 865 800 сўмни ташкил этди. Ҳисоб натижаларига кўра, COVID-19 билан касалланган 1 беморга, госпитализациянинг иқтисодий таркибига кирувчи: медикаментоз терапияга сарфланган ҳаражатлардан ташқари, лаборатор таҳлиллар, ИВЛ нинг қўлланилиши, койко-жой, беморни овқатланиши, шунингдек шифокор-инфекционистларнинг, тиббиёт хамшираларининг ўртача иш ҳақи, койко-кун давомийлиги ва бошқ.) ларни ҳисобга олувчи тиббий хизматига сарфланган ҳаражатлар қиймати 32 млн дан 64 млн сумгача ташкил этган. Таҳлил натижаларига кўра барча (n=4104) беморларни даволаш (ИВЛ қўлланилган ва қўлланилмаган ҳолларда) ва ташхисот учун 131 328 000 сўм сарфланган.

Келтирилган иқтисодий сарф-ҳаражатлар ҳисоби, соғлиқни сақлаш амалиётида коронавирус билан зарарланган беморларга қўлланилган даволаш-ташхисий чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини объектив баҳолашда, ҳамда уларга сарфланадиган ҳаражатларни режалаштиришда ёрдам беради.

REFERENCES / СНОСКИ / ИҚТИБОСЛАР:

1. Атабеков Н.С., Норбоев Х.Н., Анварова Л.У. Ўзбекистонда COVID-19га қарши эпидемик кураш тажрибаси ва уюшган жамоаларда касалликни эпидемиологик таҳлили // Tashkent tibbiyot akademiyasi. –Тошкент, 2021. -№5. –Б.15-19.
2. Зейнитдинова, З. А., РИЗАЕВ, Ж. А., & Орипов, Ф. С. (2022). Степень цитологического поражения эпителия слизистой оболочки щеки при COVID-19. ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ, 7(2).
3. Туйчиев Л.Н., Алматов Б.И., Матназарова Г.С. ва бошқалар. Коронавирус инфекциясининг этиологияси, эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари. Услубий қўлланма. Тошкент. 2020. 35 бет.
4. Насимов И.А., Шаджалилова М.С., Шомансурова Ш.Ш. Клинико-эпидемиологические особенности и профилактика коронавирусной инфекции. Методическое руководство. Ташкент.2020. 16 стр.


5. Мусабаев Э.И., Рахимов Р.А., Шарапов Б.М. и др. Временные рекомендации по профилактике, диагностике и лечению новой коронавирусной инфекции 2019-nCov. Ташкент. 2020.
6. Мустафаев Х.М., Маматкулов И.Х. Организация противоэпидемических мероприятий при COVID-19 и допущенные просчеты в Узбекистане // Журнал Инфекция, Иммунология и Фармакологии. –Ташкент, 2021. -№1. -С.109.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг “COVID-19 коронавирус инфекциясини республика худудига кириб келиши ва тарқалишининг олидини олиш бўйича тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 1-7-сонли қарорлари.
8. Платонова Т.А., Голубкова А.А., Карбовничая Е.А., Смирнова С.С. Особенности формирования гуморального иммунитета у лиц с различными клиническими проявлениями COVID-19. // Эпидемиология и Вакцинопрофилактика. 2021.V-20. №1. С.20-25.
9. Обзор нового коронавируса 2019 года (COVID-19), СДС, 1 февраля 2020 г. Источник контента: Национальный центр иммунизации и респираторных заболеваний (NCIRD), Отдел вирусных заболеваний; <https://www.cdc.gov/coronavirus/COVID-19/summary.html>.
10. Zhu F-C, Guan X-H, Li Y-H. Immunogenicity and safety of a recombinant adenovirus type-5-vectored COVID-19 vaccine in healthy adults aged 18 years or older: a randomised, double-blind, placebocontrolled, phase 2 trial // Lancet 2020; 396. - P.479-88.
11. World health statistics 2021: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals. Geneva: World Health Organization; 2021.
12. Hajibeygi, R., Mirghazanfari, S. M., Pahlavani, N., Jalil, A. T., Alshahrani, S. H., Rizaev, J. A., ... & Yekta, N. H. (2022). Effect of a diet based on Iranian traditional medicine on inflammatory markers and clinical outcomes in COVID-19 patients: A double-blind, randomized, controlled trial. European Journal of Integrative Medicine, 102179.



УДК: 616.981.21/958.7:615.036

FARMANOVA Maxtob Alimovna
Bukhara State Medical Institute**ANTIOXIDANT THERAPY AND METOBOLIC APPROACHES TO THE TREATMENT OF CHRONIC BRUCELLOSIS**

For citation: Farmanova Maxtob Alimovna. Antioxidant therapy and metabolic approaches to the treatment of chronic brucellosis. Journal of Biomedicine and Practice. 2022, vol. 7, issue 5, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATION

Objective: To evaluate the effectiveness of phosphargine succinate in patients with chronic brucellosis.

Materials and methods: The object of the study were 85 patients aged 17 to 74 years who were treated at the Bukhara Regional Infectious Diseases Hospital.

Results and discussion: According to clinical forms, the patients were distributed as follows: primary chronic brucellosis (BCB) - 22 (25.8%) and secondary chronic brucellosis (ICB) - 63 (74.2%). Patients mainly complained of fever, weakness, headache, loss of appetite, tremor, sweating, and the like. But their meeting was different in primary and secondary chronic brucellosis. According to DAS28, it was 3.95 ± 0.13 and 4.23 ± 0.12 points in primary and secondary chronic brucellosis. We also evaluated LPO processes in the blood serum of patients with MDA levels. Based on the results obtained, we tried to improve the treatment of CB and for this we used the drug phosphargine succinate, produced in our republic. This drug has antihypoxant and antioxidant properties. Studies have shown it to be more effective than conventional treatment for chronic brucellosis.

Conclusions: Chronic brucellosis is characterized by an increase in the amount of MDA, a weakening of the antioxidant defense system and a decrease in the compensatory capabilities of the antioxidant system, and their changes depend on the severity of the disease. The inclusion of the drug Phosfargin in the treatment of chronic brucellosis leads to early elimination of clinical symptoms.

Keywords: Chronic brucellosis, clinic, diagnosis, antioxidant system

ФАРМАНОВА Махтоб Алимовна
Бухоро Давлат тиббиёт институти

СУРУНКАЛИ БРУЦЕЛЛЕЗНИ ДАВОЛАШДА МЕТАБОЛИК ЁНДАШУВЛАР ВА АНТИОКСИДАНТ ТЕРАПИЯ**АННОТАЦИЯ**

Мақсад: СФБ билан касалланган беморларни фосфаргин сукцинат препарати билан даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот материаллари: Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоят юкумли касалликлар шифохонасида даволанган, вилоят эндемик ўчоқларида яшовчи 17-74 ёшда бўлган 85 нафар беморлар олинган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили:

Клиник шакллари бўйича беморлар куйидагича тақсимланган: бирламчи сурункали бруцеллёз (БСБ) – 22 та (25,8%) ва иккиламчи сурункали бруцеллёз (ИСБ) – 63 та (74,2%). Беморлар асосан иситмалаш, холсизлик, бош оғриғи, иштахани пасайиши, қалтираш, терлаш ва шу каби кўринишларга шикоят қилдилар. Аммо уларнинг учраши бирламчи ва иккиламчи сурункали бруцеллёзда турлича бўлди. DAS28 бўйича бирламчи ва иккиламчи сурункали бруцеллёзда $3,95 \pm 0,13$ ва $4,23 \pm 0,12$ баллини ташкил этди. Шунингдек, биз беморларнинг қон зардобиди ЛПО жараёнларини МДА миқдори билан баҳоладик. Олинган натижаларга асосланиб, биз СБ даволашни такомиллаштиришга ҳаракат қилдик ва бунинг учун республикамизда ишлаб чиқарилаётган фосфаргин сукцинат дори воситасини қўлладик. Бу препарат антигипоксанти ва антиоксидант хусусиятга эга. Ўтказилган тадқиқотлар, СБ даволашда қўлланиладиган анъанавий давога нисбатан самарадорлиги юқори бўлди.

Хулосалар: Сурункали бруцеллёз МДА миқдорини ортиши, антиоксидант ҳимоя тизимини сусайиши ва антиоксидант тизими компенсатор имкониятларини пасайиши билан кечиб, уларнинг ўзгариши касалликнинг оғирлигига боғлиқ. Фосфаргин препаратини сурункали бруцеллёзга даво муолажаларига киритилиши клиник белгиларни эрта бартараф этилишига олиб келади.

Калит сўзлар: Сурункали бруцеллёз, клиника, ташхисот, антиоксидант тизим.

ФАРМАНОВА Махтоб Алимовна

Бухарский Государственный Медицинский институт

АНТИОКСИДАНТНАЯ ТЕРАПИЯ И МЕТОБОЛИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ЛЕЧЕНИЮ ХРОНИЧЕСКОГО БРУЦЕЛЛЕЗА

АННОТАЦИЯ

Цель: оценить эффективность фосфаргин сукцината у пациентов с хроническим бруцеллезом.

Материалы и методы: Объектом исследования явились 85 больных в возрасте от 17 до 74 лет, находившихся на лечении в Бухарской областной инфекционной больнице.

Результаты и обсуждение: По клиническим формам больные распределились следующим образом: первично-хронический бруцеллез (БХБ) – 22 (25,8%) и вторично-хронический бруцеллез (ВХБ) – 63 (74,2%). Больные в основном предъявляли жалобы на лихорадку, слабость, головную боль, снижение аппетита, тремор, потливость и подобные симптомы. Но их встреча была различной при первичном и вторичном хроническом бруцеллезе. По DAS28 она составила $3,95 \pm 0,13$ и $4,23 \pm 0,12$ балла при первичном и вторичном хроническом бруцеллезе. Мы также оценивали процессы ПОЛ в сыворотке крови больных с количеством МДА. На основании полученных результатов мы попытались усовершенствовать лечение ХБ и для этого использовали препарат фосфаргина сукцинат, производимый в нашей республике. Этот препарат обладает антигипоксантичными и антиоксидантными свойствами. Исследования показали, что он более эффективен, чем обычное лечение хронического бруцеллеза.

Выводы: Хронический бруцеллез характеризуется увеличением количества МДА, ослаблением системы антиоксидантной защиты и снижением компенсаторных возможностей антиоксидантной системы, причем их изменения зависят от тяжести заболевания. Включение препарата Фосфаргин в комплекс лечения хронического бруцеллеза приводит к ранней ликвидации клинических симптомов.

Ключевые слова: Хронический бруцеллез, клиника, диагностика, антиоксидантная система.

ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили бруцеллёз билан касалланиш 500 млн ташкил қилади. М. Avijgan ва ҳаммуаллифлар фикрига кўра бруцеллез билан касалланганлар сони 10-25 маротаба руйхатга олинганларга қараганда кўпдир [1]. Академик Г.Г. Онищенкоинг

фикрига кўра 100 минг аҳоли орасида бруцеллезнинг энг кенг тарқалиши Непал, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Миср, Туркияда кузатилган [3]. Россия худудида бруцеллезнинг эпидемиологик ҳолати тургун эмас ва касалланиш 100 минг аҳоли сонига 0,2-0,7ни ташкил этади [7]. Ҳамдўстлик мамлакатлардан Қирғизистон [10], Грузия, Озарбайжон [3], Қозоғистон [5], Ўзбекистон [3], Тожикистон [2] ва Туркменистонда бруцеллез билан касалланиш юқори кўрсаткичларда бўлиб, 25та юқори касалланиш мамлакатлар қаторига киради [7]. Ўзбекистонда 100 минг аҳолига нисбатан бруцеллез билан касалланиш даражаси 1,8 дан 2,8 гачадир [6; 4].

Сурункали фаол бруцеллезда (СФБ) беморлар вақти вақти билан тана ҳароратини кўтарилиши, қалтирашлар, терлаш, холсизлик, тез чарчаш, мушакларда, бўғимларда, умуртқа поғонасида оғриқлар, бош оғриқлар, эрталабки қарахтлик, қўл ва оёқларни совуқ қотиши, диспектик симптомлар, когнитив функцияларни сусайишига шикоят қилади. Олимларнинг фикрича клиник, лаборатор ва функционал текширувлар аъзо ва тўқималардаги ўзгаришлар ва кўп ўчоқли фиброзланишлар, ҳамда лимфатик тугунларни катталаниши бруцеллаларни аъзо ва тўқималарга бевосита тарқалиши билан боғлиқ бўлиб полиорган етишмовчиликка олиб келади [8].

Турли хил инфекция омилар организмда эркин радикалли жараёнларни фаоллаштиради. СФБда ривожланган полиорган етишмовчилик кўп жихатдан гемодинамик бузилишлар, липидларни перекисли оксидланишни (ЛПО) жадаллаштириши билан боғлиқ [9]. Бу эса даво муолажаларини такомиллаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини маҳаллий хом ашёлари асосида олинган арзон ва юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи дори воситалар билан таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл аналогларидан қолишмайдиган янги дори воситаларини яратиш ҳисобига аҳолини арзон фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ООО «TEMUR MED FARM» фармацевтик корхонасида янги «Фосфаргинин сукцинат» (инъекция учун эритма) ишлаб чиқарилмоқда. Унинг таркибига фруктозо-1,6-дифосфатнинг натрийли тузи, аргинин гидрохлорид, қахрабо кислотаси мавжуд. Бу препарат метаболик корректор ҳисобланади. Токсикологик ва фармакологик текширувлар бу препаратнинг LD₅₀ миқдори >1825 мг/кг кўрсатди ва шу билан бирга унинг антигипоксик таъсири исботланди. Аммо унинг антиоксидант хусусияти тўлиқ ўрганилмаган, айниқса сурункали фаол инфекцияларда. Уларни ўрганиш даво муолажаларини такомиллаштириш имконини беради.

Мақсад: СФБ билан касалланган беморларни фосфаргин сукцинат препарати билан даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот материаллари ва қўлланилган усуллар

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасида даволанган, вилоят эндемик ўчоқларида яшовчи 17-74 ёшда бўлган 85 нафар беморлар олинган. Улардан 64 (75,3%) эркак ва 21 (24,7%) аёл. ЖССТ таснифига асосан беморларни ёши бўйича тақсимланиши касалланишни асосан навқирон ёшга хослигини кўрсатди (78,5%) (1чи жадалга қаранг). Беморларнинг ўртача ёши 36,18±1,99 йилни ташкил қилди.

1-жадвал


ЖССТ таснифига асосан беморларни ёш бўйича тақсимланиши

Ёш ва жинси бўйича тақсимланиш	Эркак		Аёл		Жаъми, n=85	
	n	%	n	%	n	%
Навқирон (19-44 ёш)	47	55,3	18	21,2	65	76,5
Ўртача (45-59 ёш)	10	11,8	3	3,5	13	15,3
Кекса (60-74 ёш)	7	8,2	0	0,0	7	8,2
Барча	64	75,3	21	24,7	85	100,0
Ўртача ёш						36,18±1,99

Халқаро касалликлар таснифи (МКБ-10) бўйича бруцеллезнинг “бактериал зоонозлар” блокига киради ва унга А23 коди берилган А23.0. *Brucella melitensis* (майда шохли ҳайвонлардан) ва А23.1. *Brucella abortus* (йирик шохли ҳайвонлардан) юққан бруцеллез хисобланади [Десятый пересмотр.- Женева, 2003 г.]. Сурункали бруцеллез ташҳисини қўйишда РЦРЗ Республиканский центр развития здравоохранения Российской федерации. Версия Клинические протоколқ МЗРК, 2018) фойдаланилди (). Бу таснифга кўра бирламчи сурункали бруцеллез (БСБ) ва иккиламчи сурункали бруцеллезга бўлинди. Шифохонага келган ҳар бир бемор клиник текширишдан, объектив кўрувдан ўтиб, клиник-эпидемиологик анамнез ва лаборатория текширувлари натижаларига қараб ташҳис қўйилган. Беморларда Хеддельсон ва Райт агглютинация реакциялари ҳамда пассив гемагглютинация реакцияси қўлланилди. Беморларда бўғимлардаги яллиғланиш фаоллигини DAS28 бўйича, умумий яллиғланиш даражасини эса қон зардобида С-реактив оксил (СРБ) иммунофермент усулида аниқладик. Хусусий текширувларга қон зардобида малон диальдегид (МДА) миқдорини А.И. Андреева усулида (Андреева Л. И., Кожемякин Л.А., Кишкун А.А. Модификация метода определения перекисей липидов в тесте с тиобарбитуровой кислотой // Лаб. дело. – 1988. – №1. – С.41-43.), каталаза фаоллигини М.Ю. Коралик усулида (Коралюк М.А., Иванова Л.И., Майорова И.Г. Определение активности каталазы // Лаб. дело. – 1988. – №1. – С. 16-19.) ва умумий антиоксидант ҳолати спектрофотометрик усулида () аниқланди. Барча олинган рақамларга статистик ишлов берилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Клиник шакллари бўйича беморлар қуйидагича тақсимланган: бирламчи сурункали бруцеллез (БСБ) – 22 та (25,8%) ва иккиламчи сурункали бруцеллез (ИСБ) – 63 та (74,2%). Бу иккала шаклда жинслар орасидаги фарқлар аниқланмади. БСБда асосан навқирон ёшга хос бўлди, ваҳоланки ИСБда 73% навқирон, 20,6% –ўртача ёшдагиларга хос бўлди (1-расм).



1-расм. Сурункали бруцеллезнинг клиник шакллари бўйича (а) ва касаллик давомийлигига кўра (б) тақсимланиши (%).

БСБ гуруҳининг барчасида касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган бўлса, ИСБ беморларнинг аксарият қисмида касалликнинг давомийлиги 2–3 йил бўлди (54,1%), 1 йилгача (19,5%) ва 4–5 йил (1,2%). 53 (62,3%) беморларда касалликнинг субкомпенсация босқичи, 32 (37,7%) беморларда эса декомпенсация босқичи кузатилган (1-расм б).

2- жадвал

Сурункали бруцеллезнинг шаклига кўра клиник белгиларни учраши


Клиник белгилар	БСБ, n=22		ИСБ, n=63	
	n	%	n	%
Ҳолсизлик	15	68,1	50	79,3
Қалтираш	12	54,5*	24	38,1
Иситмалаш	18	81,8	47	74,6

Терлаш	10	45,4	41	65,1
Бош оғриғи	14	63,6	48	76,1
Уйқунинг бузилиши	9	41,0	18	28,5
Иштаха пасайиши	14	63,6	39	61,9
Тери рангпарлиги	9	40,9*	10	15,8
Терининг намлиги	9	40,9	32	50,7
Лимфа тугунлари катталашиси	9	40,9*	40	63,4


Эслатма: * гуруҳлар орасида статистик ишонарли фарқлар.

Беморлар асосан иситмалаш, холсизлик, бош оғриғи, иштахани пасайиши, қалтираш, терлаш ва шу каби кўринишларга шикоят қилдилар. Аммо уларнинг учраши бирламчи ва иккиламчи сурункали бруцеллёзда турлича бўлди (2- жадвалга қаранг). Жумладан, агар БСБ бўлган беморларда холсизлик, қалтираш, терлаш, иситмалаш, бош оғриғи, уйқунинг бузилиши, иштаханинг пасайиши, терининг рангпарлиги ва намланиб туриши хос бўлса, ИСБда кўпинча холсизлик, иситмалаш, терлаш, бош оғриғи, лимфа тугунларининг катталашиси кузатилди.

Шуни айтиш керакки, ҳаракат тизими шикастланиш кўпроқ ИСБ хос бўлиб, энг кўп шикастланишлар тизза бўғимида кузатилди (2-а расмга қаранг), вахоланки қафт-болдир бўғимларининг шикастланиши кўпроқ БСБ аниқланди. DAS28 бўйича бирламчи ва иккиламчи сурункали бруцеллёзда 3,95±0,13 ва 4,23±0,12 баллини ташкил этган бўлса, умумий беморларда 4,2±0,1 баллини ташкил этди. Уларни фаоллик даражасига кўра тақсимланиши қуйдагича бўлди: БСБда юқори фаоллик 9,1% беморларда кузатилган бўлса, ўртача фаоллик 68,2% ва паст фаоллик 22,7% ҳолатларда аниқланди. ИСБ бўлган беморларда юқори фаоллик 11,1% беморларда кузатилган бўлса, ўртача фаоллик 71,4% ва паст фаоллик 17,4% ҳолатларда аниқланди. Яъни ИСБда бўғимлар шикастланиши фаоллиги юқори бўлди. Шу билан бирга беморларда ошқозон-ичак тракти шикастланишлари аниқланиб, асосан иштахани пасайиши, тил қараш билан қопланиши ва гепатомегалия кузатилди (2-б расмга қаранг). Ошқозон-ичак йўллари шикастланиши кўпроқ БСБда кузатилди.



а




б

2- расм. Сурункали бруцеллёзнинг шаклига кўра ҳаракат (а) ва ҳазм қилиш (б) тизимларининг касалланиши.

Юрак қон-томир тизими ва нафас аъзоларини шикастланиши асосан юрак тонларини бўғиқ ва қаттиқ нафас бўлиши билан тафсифланиб бирламчи ва иккиламчи бруцеллёзда


кузатилди (3-а расмга қаранг). Асаб тизими шикастланиши неврит, уйқунинг бузилиши. Бруцеллэзни оғир кечувчи шаклларида жинсий аъзоларнинг ҳам шикастланиши кузатилди.

Тадқиқотда қатнашган беморларнинг 62,3%да субкомпенсация босқичи кузатидган бўлса, 37,7%да – декомпенсация босқичи аниқланди. Декомпенсация босқичи асосан БСБ хос бўлди (3-б расмга қаранг).



3- расм. Сурункали бруцеллэзнинг шаклига кўра юрак ва нафас тизимларининг касалланиши (а) ва оғирлик даражаси (б).

Аксарият беморларнинг периферик қонида лейкопения, нейтропения, лимфоцитоз ва ЭЧТ нинг ошганлиги аниқланган. 94,7% беморларда Хеддльсон реакцияси мусбат бўлди, Райт реакцияси юкори титрларни кўрсатди. ПГАР реакциясида барча беморларда мусбат натижа берди.



4- расм. Сурункали бруцеллэзнинг шакли ва кечишига кўра қон зардобиди СРО (мг/мл) миқдорини ўзгариши.

Яллиғланиш жараёнлари жадаллигини аниқлаш мақсадида биз беморларнинг қон зардобиди СРО миқдорини аниқладик. Ўтказилган тадқиқотлар унинг миқдорини кескин $0,76 \pm 0,04$ мг/млдан $38,14 \pm 2,37$ мг/млгача ($P < 0,001$) ортганики кўрдик. Унинг миқдори БСБ ва ИСБ гуруҳларида $36,12 \pm 2,41$ ва $39,78 \pm 2,19$ мг/млгача ортиши кузатилди. Шунини айтиш жоизки, бутунги кунда томир эндотелийсини шикастланишида ўткир фаза оксиллари ролига эътибор қаратилмоқда. Уларнинг орасида СРБ аҳамиятли бўлиб турли хил яллиғланиш ва некротик жараёнларда унинг миқдори кескин ортади. Бу оксил синтези жигарда интерлейкин 6 ва бошқа

цитокинлар таъсирида жадаллашади. Тасир механизми эса Т-лимфоцитлар билан боғлиниши хисобига уларнинг функционал фаоллигини оширади.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, СРБ миқдорини 50 мг/лдан юқори бўлса тизимли васкулит ривожланишидан далолат беради. Шунинг учун биз қон плазмасида СРБ миқдорини градациялашга ҳаракат қилдик: мўтадил - 10-25 мг/л, ўртача 26-49 мг/л ва 50 мг/л юқори бўлса оғир даража деб хисобладик. Ўтказилган тадқиқотлар БСБда юқори фаоллик 9,1% беморларда кузатилган бўлса, ўртача фаоллик 90,9% ҳолатларда аниқланди. ИСБ бўлган беморларда юқори фаоллик 11,1% беморларда кузатилган бўлса, ўртача фаоллик 88,1% ҳолатларда аниқланди. Яъни ИСБда касалликнинг фаоллиги бўлди.

3- жадвал

Сурункали бруцеллёзнинг шаклига кўра ЛПО ва антиоксидант тизими фаоллигини ўзгариши, М±m

Гуруҳлар	МДА, нмоль/мл	Умумий антиоксидант фаоллик, ммоль/л	Каталаза фаоллиги, МЕ10 ⁴ /мл	УАФ/МДА, нисбий бирлик
Назорат гуруҳ, n=20	2,82±0,12	1,58±0,08	5,89±0,3	0,560±0,021
СБ, n=85	5,12±0,36*	0,97±0,04*	3,04±0,13*	0,189±0,09*
БСБ, n=22	4,87±0,41*	0,83±0,05*	2,98±0,19*	0,170±0,02*
ИСБ, n=63	5,26±0,32*	1,08±0,06*	3,17±0,24*	0,205±0,014*
Субкомпенсация, n=53	4,92±0,28*	1,08±0,06*	4,17±0,22*	0,171±0,012*
Декомпенсация, n=32	6,67±0,41*	0,76±0,03*	3,87±0,26*	0,094±0,006*

Эслатма: * - назорат ва сурункали бруцеллёзли беморлар кўрсаткичлари орасида фарқлар статистик ишонарли (P<0,05).

Шунингдек, биз беморларнинг қон зардобиди ЛПО жараёнларини МДА миқдори билан баҳоладик. Ўтказилган тадқиқотлар бруцеллёз билан касалланган беморларда МДА миқдори 1,82 маротаба (P<0,001) ортиши аниқланди (3-жадвалга қаранг). Агар БСБда бу кўрсаткич 1,73 маротаба (P<0,001) ортган бўлса, ИСБда унинг ортиши 1,87 (P<0,001) маротаба кўтарилди. Шунини айтиш жоизки, касалликнинг субкомпенсация босқичида МДА миқдори меърий кўрсаткичларга нисбатан 1,74 (P<0,001) ортган бўлса, декомпенсация босқичида 2,37 (P<0,001) маротаба ортиши кузатилди. Бу эса касалликни босқичларига кўра эркин радикалли жараёнларни жадаллашиб боришини кўрсатади.

Маълумки, эркин оксидланишни меърий баллансини таъминлашда антиоксидант химоя тизими муҳим рол ўйнайди. Хозирги вақтда қон зардобининг антиоксидант тизимини баҳолашда умумий антиоксидант фаоллик ва каталаза ферменти фаоллиги аниқланади. Сурункали бруцеллёз бўлган беморларнинг қон зардобиди умумий антиоксидант фаолликни аниқлаш бу кўрсаткични пасайиб боришини кўрсатди (3-жадвалга қаранг). Жумладан, БСБда бу кўрсаткич 1,9 (P<0,001) маротаба пасайган бўлса, ИСБ - 1,46 (P<0,01) маротада пасайди. Касалликнинг субкомпенсация даврида қон зардобининг умумий антиоксидант фаоллиги 1,46 (P<0,01) маротада пасайган бўлса, декомпенсация даврида 2,08 (P<0,001) маротаба пасайди. Қон зардобиди каталаза фаоллигини аниқлаш, беморларда бу кўрсаткични камайишини кўрсатди. Жумладан, БСБ ва ИСБ гуруҳ беморларда каталаза фаоллиги 1,98 (P<0,001) ва 1,85 (P<0,001) маротаба сусайди. Субкомпенсация ва декомпенсация босқичларида ферментнинг фаоллиги 1,41 (P<0,05) ва 1,51 (P<0,01) маротаба пасайиши кузатилди.

Демак, СБда ЛПО жадаллашиши, умумий антиоксидант химоя ва каталаза фаоллиги қон зардобиди пасайиши кузатилиб, бундай ўзгаришлар антиоксидант химия тизимининг компенсатор механизмини сусайиб боришидан далолат беради.

Олинган натижаларга асосланиб, биз СБ даволашни такомиллаштиришга ҳаракат қилдик ва бунинг учун республикамизда ишлаб чиқарилаётган фосфаргин сукцинат дори воситасини қўлладик. Бу препарат антигипоксанти ва антиоксиданти хусусиятга эга. Ўтказилган тадқиқотлар, СБ даволашда қўлланиладиган анъанавий давога нисбатан самарадорлиги юқори бўлди. Жумладан, анъанавий даво муолажаларини ўтказиш қон зардобиди МДА миқдорини статистик ишонарли 1,29 ($P < 0,05$) маротаба пасайтирди. Аммо бу кўрсаткич мейрий кўрсаткичларда 1,35 ($P < 0,05$) маротаба юқориликча сақланиб қолди. Қон зардобиди УАФ ва каталаза фаоллиги 1,16 ($P < 0,05$) ва 1,28 ($P < 0,05$) маротаба оширган бўлсада назорат гуруҳи кўрсаткичлардан 1,45 ($P < 0,05$) ва 1,9 ($P < 0,01$) маротаба пастлигича сақланиб қолди. Бу эса антиоксиданти тизимининг компенсатор механизмини 1,5 ($P < 0,05$) фаоллаштирсада, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,68 ($P < 0,01$) маротаба пастлигича сақланиб қолди.

4- жадвал

Сурункали бруцеллезни даволашда фосфаргин сукцинат препаратини ЛПО ва антиоксиданти тизими фаоллигига таъсири, $M \pm m$


Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, 20	Анъанавий даво, 39		Анъанавий даво+ФАС, 46	
		даводан олдин	даводан сўнг	даводан олдин	даводан сўнг
МДА, нмоль/мл	2,82±0,12	4,93±0,23*	3,81±0,26* ^а	5,18±0,33*	3,01±0,27 ^{а,б}
Умумий антиоксиданти фаоллик, ммоль/л	1,58±0,08	1,09±0,06*	1,27±0,05* ^а	0,94±0,03*	1,36±0,04 ^а
Каталаза фаоллиги, $ME10^4$ /мл	5,89±0,3	3,10±0,21*	3,98±0,11* ^а	2,96±0,11*	4,83±0,12* ^{а,б}
УАФ/МДА, нисбий бирлик	0,561±0,021	0,221±0,010*	0,333±0,03* ^а	0,181±0,02*	0,452±0,04* ^{а,б}

Эслатма: * - назорат ва сурункали бруцеллезли беморлар кўрсаткичлари орасида фарқлар статистик ишонарли ($P < 0,05$); а - даводан олдинги кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли ($P < 0,05$), б – 1чи ва 2чи гуруҳлар орасидаги фарқлар ишонарли ($P < 0,05$).

СБни даволашда таклиф этилаётган даво муолажаларини ўтказиш қон зардобиди МДА миқдорини 1,7 ($P < 0,01$) маротаба пасайтирди (4-жадвалга қаранг). Бу анъанавий даво олган беморлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,26 ($P < 0,05$) маротаба паст бўлсада, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлишига моиллик кузатилди. Қон зардобининг УАФги 2- гуруҳ беморларда даволашдан сўнг 1,44 ($P < 0,05$) маротаба ортди. Бу кўрсаткич 1чи ва назорат гуруҳлар кўрсаткичларидан статистик ишонарли фарқланмади. Каталаза фаоллиги таклиф этилаётган даводан сўнг 1,63 ($P < 0,01$) маротаба ортиши кузатилди. Бу 1чи гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,21 ($P < 0,05$) маротаба юқори бўлсада, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,22 ($P < 0,05$) маротаба пастлигича сақланиб қолди. Бундай ўзгаришлар қон зардобининг компенсатор механизмларини ортишига олиб келди. Ҳақиқатан ҳам, бу кўрсаткич таклиф этилаётган даводан сўнг 2,49 ($P < 0,001$) маротаба кўтарилди, 1чи гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,36 ($P < 0,05$) маротаба юқори бўлди, аммо меърий кўрсаткичлардан 1,24 ($P < 0,05$) маротаба пастлигича сақланиб қолди. Демак, СБ даволашда анъанавий ва, айниқса, таклиб этилаётган даво муолажалари антиоксиданти тизим фаоллигини ошириб ЛПО жараёнларига сусайтирар экан.

Шуни айтиш жоизки, СБни даволаш СРО миқдорини статистик ишонарли пасайтирди (5-расмга қаранг). Жумладан, 1- гуруҳ беморларда унинг миқдори даводан сўнг 2,79 ($P < 0,001$) пасайтирсада, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 17,3 ($P < 0,001$) маротаба юқориликча сақланиб қолди ва бу беморлар организмда яллиғланиш жараёнлари сақланиб қолганлигидан далолат беради. 2- гуруҳ беморларда 4,75 ($P < 0,001$) маратоба пасайди. Бу кўрсаткич 1- гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,57 ($P < 0,01$) паст бўлди, аммо меърий кўрсаткичлардан 11,02

($P < 0,001$) маротаба юқориликча сақланиб қолди. Бу эса яллиғланиш ўчоқлари сақланиб қолганлигидан далолат беради.




5-расм. Сурункали бруцеллёзни даволашда қон зардобида СРО (мг/мл) миқдорини ўзгариши.

Демак, СБ бруцеллёзна даволаш қон зардобида ўткир фаза оқсиллари миқдорини камайтирсада, тўлиқ меёрлашишига олиб келмайди. Бу эса яллиғланиш ўчоқларини сақланиб қолишидан далолат беради. Анъанавий давога нисбатан таклиф этилаётган даво муолажалари самаралироқ СРО миқдорини қон зардобида пасайтирди.

Албатта юқорида қайд этилган ижобий натижалар касалликни кечилишига ҳам таъсир этди, беморларнинг шикоятлари камайди, турли тизимлардаги ўзгаришларнинг маълум даражада регресси кузатилди. Жумладан, агар анъанавий даводан сўнг иситма бутунлай йўқолди, ҳолсизлик, қалтираш, ва терлаш 1,81; 15,36 ва 6,03 маротаба камайган бўлса, таклиф этилаётган даводан сўнг – иситма, қалтираш ва терлаш каби симптомлар бутунлай йўқолди, ҳолсизлик эса 5,05 маротаба камайиши аниқланди. Бош оғриғи, уйқунинг бузилиши, терининг рангпарлиги ва тери намлиги анъанавий даводан сўнг 4,0; 5,02; 3,03 ва 9,5 маротаба камайган бўлса, таклиф этилаётган даводан сўнг уйқусизлик тўлиқ бартараф этилди, ош оғриғи 17,2 маротаба, тери рангпарлиги ва намлиги 30 ва 11,11 маротаба камайиши аниқланди. Лимфа тугунларини катталашини анъанавий давода 46,1% дан 5,1%гача камайган бўлса, таклиф этилаётган даводан сўнг 67,3%дан 4,3%гача камайиши кузатилди.

Анъанавий даводан сўнг DAS28 кўрсаткичи $4,4 \pm 0,1$ балдан $2,7 \pm 0,1$ балгача пасайган бўлса, Фосфаргинин сукцинат препарати қабул қилгандан кейин $4,0 \pm 0,1$ балдан $1,08 \pm 0,04$ балгача камайди. Анъанавий даводан сўнг DAS28 бўйича бўғимларни шикастланиш даражаси пасайди: беморларда юқори фаоллик кузатилмади, ўртача фаоллик 10,2 % беморларда аниқланган бўлса, паст фаоллик ва ремиссия 46,2 ва 43,6% ҳолатларда кузатилди. Анъанавий давога фосфаргин сукцинатни киритилиши 4,3% паст фаоллик ва 95,6% - ремиссияга ўтиш кузатилди (6-расм). Бу эса таклиф этилаётган даво муолажаларини самарадорлигини кўрсатади.



6-расм. СБ беморларда DAS28 бўйича тақсимланиши.

Хулосалар

- 1) Сурункали бруцеллез МДА микдорини ортиши, антиоксидант ҳимоя тизимини сусайиши ва антиоксидант тизими компенсатор имкониятларини пасайиши билан кечиб, уларнинг ўзгариши каасалликнинг оғирлигига боғлиқ.
- 2) Сурункали бруцеллезда ўткир яллиғланиш оксиленинг микдори кескин ортади.
- 3) Сурункали бруцеллезни даволаш муолажаларига фосфаргин сукцинатни киритилиши анъанавий давога нисбатан антиоксидант тизими имкониятларини оширади ва ёғларни пероксидли оксидланишини сусайтиради.
- 4) Фосфаргин препаратини сурункали бруцеллезни даво муолажаларига киритилиши клиник белгиларни эрта бартараф этилишига олиб келади.

REFERENCES / СНОСКИ / ИҚТИБОСЛАР:

1. Avijgan M., Rostamnezhad M., Jahanbani-Ardakani H. Clinical and serological approach to patients with brucellosis: A common diagnostic dilemma and a worldwide perspective// *Microbial Pathogenesis*. – 2019. S125-130.
2. Демченко В.Г., Сафонова А.Д., Рудакова Н.В. и Ерениева С.И. Современные гигиенические, эпидемиологические и клинические аспекты бруцеллеза// Коллективная монография.- Москва: Тесса, 2014.
3. Kasymbekov J., Imanseitov J., Ballif J. Brucella melitensis isolates from Naryn Oblast, Kyrgyzstan // *Dis.- 2013.- Vol 7. S204*.
4. Касымов О.Ш. Ўзбекистондаги бруцеллез ўчоқларида ажратилган кўзготувчиларнинг микробиологик, генетик таҳлили ва касалликнинг эпидемиологик мониторингини такомиллаштириш // Автореф. дисс., -Тошкент, 2017. с. 59
5. Онищенко Г.Г., Куличенко А.Н. Бруцеллез. Современное состояние проблемы // - Ставрополь: Губерния, 2019. с. 336
6. Расулов С.А., Мирзоев Д.М., Давлатов Х.О., Ахматбекова С.Ш. Динамика заболеваемости бруцеллезом мелкого рогатого скота и людей в районах Республики Таджикистан с высокими показателями инфицированности// *Российский ветеринарный журнал*, №1. - 2016.- с. 50-54
7. Саркисян Н.С., Пономаренко Д.Г., Логвиненко О.В., Ракитина Е.Л., Костюченко М.В., Куличенко А.Н. Интенсивность специфической сенсibilизации и иммунный статус у больных бруцеллезом// *Медицинская иммунология*, №4- 2016, с. 365-372
8. Фарманова М.А., Касимов И.А., Атажаджаева Д.Р. Бруцеллез касаллигининг клинко-эпидемиологик хусусиятлари// *Тиббиётда янги кун*. 1. с. 29.
9. Shevtsov A., Syzdykov M., Kuznetsov A, et al. Antimicrobial susceptibility of Brucella melitensis in Kazakhstan// *Antimicrob Resist Infect Control*. - 2017.- Vol.6.- S.130.
10. Халилов Р.А., Джафарова А.М., Астаева М.Д. Оценка состояния прооксидантно-антиоксидантной системы крови и некоторых морфофункциональных параметров эритроцитов у больных хроническим бруцеллезом//*The Journal of scientific articles “Health and Education Millennium”*, № 9. -2016. с. 77-80.

БИМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ БИМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

ТОМ 7, НОМЕР 5

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

VOLUME 7, ISSUE 5

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000